

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК САВОДХОНЛИГИГА ЭГА БЎЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Джамшед Саитмурадович Умаров

Низомий номидаги ТДПУ эркин тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393753>

Аннотация. Мақолада Янги Ўзбекистон жамиятининг равнақи – унинг моддий ва маънавий соҳалари билан бевосита боғлиқлиги, тарихий меросни асраб-авайлаш ва ўрганиш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан эканлиги, янги Ўзбекистонни барпо этишда талабаларнинг фуқаролик саводхонлигини ошир ва ҳуқуқий иммунитетини кучайтиришнинг аҳамияти, ёшларни маънавий, ҳуқуқий юксалтиришига қаратилган илмий-назарий қарашлар ва мамлакатимизда адолат ва қонун устиворлиги тамойиллари тараққиётнинг муҳим омили эканлигига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: талабалар, фуқаролик саводхонлик, ҳуқуқ, иммунитет, тарихий мерос, ёшлар, маънавият, миллий манфаатлар, миллий урф-одатлар, маданият

ЗНАЧЕНИЕ ПРИОБРЕТЕНИЯ СТУДЕНТАМИ ГРАЖДАНСКОЙ ГРАМОТНОСТИ В СТРОИТЕЛЬСТВЕ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В статье развитие общества Нового Узбекистана напрямую связано с его материальной и духовной сферами, сохранение и изучение исторического наследия является одним из важнейших приоритетов государственной политики, подчеркивается важность повышения гражданской грамотности и укрепления правовой иммунитет студенческой молодежи в создании нового Узбекистана, духовно-правовое развитие молодежи, обращается внимание на то, что научно-теоретические взгляды и принципы справедливости и законности в нашей стране являются важными факторами разработка.

Ключевые слова: студенческая молодежь, гражданская грамотность, право, неприкосновенность, историческое наследие, молодежь, духовность, национальные интересы, национальные обычаи, культура.

THE SIGNIFICANCE OF ACQUISITION OF CIVIL LITERACY BY STUDENTS IN CONSTRUCTION OF THE NEW UZBEKISTAN.

Abstract. In the article, the development of the New Uzbekistan society is directly related to its material and spiritual spheres, the preservation and study of historical heritage is one of the most important priorities of state policy, the importance of increasing civic literacy and strengthening legal immunity of students in the creation of a new Uzbekistan, attention is paid to the fact that scientific-theoretical views and principles of justice and the rule of law in our country are important factors for development.

Keywords: students, civil literacy, law, immunity, historical heritage, youth, spirituality, national interests, national customs, culture.

“Янги Ўзбекистон-барчамизни эзгу орзуимиз, меҳнаткаш, тинчлик севар халқимизнинг орзуси”

Ш.Мирзиёев

Ватанамиз ҳудудида шаклланган маданиятимизга хос қадриятлар, «Авесто» ва Куръон» каби манбалар, юртимиз ҳудудида туғилиб ўсган Бухорий ва Термизийлар, Форобий ва Беруний, Ибн Сино ва Нажмиддин Кубро, Улуғбек ва Навоий каби

алломаларнинг ғоялари ва таълимотлари, ёшларни маънавий юксалтиришга қаратилган илмий-назарий қарашлар ҳамда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев асарларида акс этган.

Бугунги кунда халқимизнинг қалбидан чуқур жой олган, умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган “Янги Ўзбекистон” ғояси замирида, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларига асос солган аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари ҳам мужассам, десак, адашмаган бўламиз. Зеро, миллатнинг миллий ўзига хослиги, тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари, ҳудудий бирлиги, менталитетини англаш миллатнинг мустақиллик белгисидир. [3, -Б. 2278-3075]

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантирмоқда. [1, -Б. 15]

Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш-бу шунчаки хоҳиш истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимизда мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэътироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиш беришдан иборат бўлган давлатдир [2,-Б.12]

Глобаллашув жараёнлари тафаккур, ахлоқий асослар, миллий урф-одатлар ўрнатилган стереотипларни йўқ қилишга ва глобал онг ва глобал маданиятнинг пайдо бўлишига олиб келади. [4, -Б. 676-688]

Янги Ўзбекистон жамиятининг равнақи – унинг моддий ва маънавий соҳалари билан бевосита боғлиқ. Бутун дунёдаги ва мамлакатимиздаги глобал ўзгаришлар туфайли ижтимоий ҳаётдаги, иқтисодий, экология, демография инқирозли вазиятларни енгиш замонавий ҳаётнинг мавжуд салбий ҳолатлари бартараф этиладиган янги турдаги жамиятни қуриш бўйича давлат ва фуқароларнинг ҳамкорликдаги уринишларини талаб этади. Бу қандай жамият? Бу жавоб ҳамма учун танишдек туюлади: бу фуқаролик жамиятидир.

Ўзбекистон тараққиётининг бош йули жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик давлатини қуришдан иборатдир. Бугун дунёнинг миллий қиёфаси хар-хил бўлиб, у

инсонларнинг идентиклиги, миллий ўзлигини англаш жараёнининг ривожланиши билан уйғун ҳолатда такомиллашиб ривожланиб ўзгариб бормоқда. [5, -Б. 597-605]

Ўзгаришларни ўз вақтида англаб миллий ўзлигини, миллий қадриятларини улуғлаган миллат юксак ҳурмат-эҳтиромга муносиб бўлиб ўз келажагини мустаҳкам пойдеворини қура олади. Ўзбекистонда демократик жамиятни қуриш энг аввало, аҳолини ўзбек халқининг минг йилликлар тарихи, маънавий тараққиёти, буюк маданияти, маънавий мерос ва бой анъаналари билан яқиндан таништириш, улар тўғрисида етарли билимга эга бўлишлари учун шароит яратиш зарур. [6, -Б. 59-460]

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий маданиятимиз ва тарихимизни тўлиқ тиклаш учун барча имкониятлар яратилди. Халқимиз ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй берди. [7, -Б. 116-120]

Ана шундай имкониятлардан бири - бу таълим жараёнида талабалани миллий тарих, маданият ва турмуш тарзи билан яқиндан таништириб бориш, ўқув фанлари ва маънавий-маърифий тадбирлар мазмунига миллий қадриятларни синдириш саналади. Сўнги беш йиллик ислохотларни натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ва илмий-маърифий асослари яратилди. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан-Тараққиёт стратегияси сари” тамойилларига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги еттита устивор йўналишлардан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди: 1-устивор йўналиш: Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш. 2-устивор йўналиш: Мамлакатимизда адолат ва қонун устиворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартларига айланттириш. 3- устивор йўналиш: Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш. 4-устивор йўналиш: Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиқталини ривожлантириш. 5-устивор йўналиш: Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичларга олиб чиқиш. 6-устивор йўналиш: Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга йўндашиш. 7-устивор йўналиш: Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ прогматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш.

Биз – Ўзбекистон фуқаролари жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий қиёфаси шиддат билан ўзгариб, ҳаётимизда янгича муносабатлар, янги имконият ва қадриятлар шаклланаётганини ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этмоқдамиз. Айниқса, “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошқоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётини кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани эътиборлидир.[2-Б,12]

Мустақил Ўзбекистон жамият аъзоларининг фуқаролик билимларини юксалтириб бориш, фуқаролик демократик давлат қуришнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. [8,-Б. 5477-5489] Фуқаролик жиҳатдан билимли бўлган инсонлар фуқаролик давлат қонун устуворлигига асосланишини ҳис қила олади. Президентимиз таъкидлаганидек, фуқаролик давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Фуқаролик давлатда қонунлар доимо устувор бўлиши керак. Шу билан бирга олийгоҳ талабаларнинг фуқаролик саводхонлигини ривожлантириш энг аввало, ҳуқуқий тарбия таъсирида

шаклланади. Ҳуқуқий тарбия тартиб-интизом даражасининг ошишига [9,-Б.469-473] бурч ва масъулият ҳиссининг мустақамланишига ҳамда олийгоҳ талабаларнинг фуқаролик саводхонлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида талабаларнинг фуқаролик саводхонлигини ривожлантириш фуқаролик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш учун айниқса талаба-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни ҳам тақозо қилади. [10, -Б. 124-125]

Чунки Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик туйғулари инсонда ўз-ўзидан, онгсиз равишда пайдо бўладиган, шаклланадиган нарсалар эмас. Улар ҳар бир кишида жамиятда уни ўраб турган ижтимоий маданий муҳит таъсирида жамиятнинг таълим-тарбияси асосида шаклланади ва ривожланади. Албатта ушбу фазилатлар шахс фаолиятида камол топади. Шундай экан баркамоллик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, ахлоқий софлик каби фуқароларга хос ҳис-туйғуларни шакллантириш, инсонпарвар, ватанпарвар шахсни вояга етказишда муҳим ҳисобланади. [11, -Б. 420-423]

Чунки, ушбу фазилатлар инсонда маънавий-ахлоқий салоҳият ва ижтимоий фаолликни ошириб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштириш билан бирга, фуқаролик саводхонлигини ривожлантириш бурчи ва вазифаларини бажариш масъулиятини ривожлантиради. Бу каби масъулиятли вазифаларни бажаришимизда аждодларимиз мероси, халқимизнинг илмий-ижодий салоҳияти, тадбиркорлик фазилатлари бизга асос бўлади. [12, -Б. 404-407]

Демак, соғлом, иймон-эътиқодли, ақлан теран, ахлоқан пок, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятларини чуқур англайдиган ёшларни вояга етказиш фуқаролик жамиятини асосини ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, бугунги Янги Ўзбекистонни барпо этишда фуқаролик саводхонлигига эга бўлган талаба ёшларни ўрни ниҳоятга каттадир. Фуқаролик саводхонлигига эга бўлиш бу ижтимоий жараён бўлиб талаба ёшлардан нафақат ҳуқуқий билимларни балки миллий кадриятлар, урф одатлар, ананалар, ахлоқ нормаларини чуқур билишлари ва уларга амал қилишлари лозимлигини ҳам талаб қилади. Фуқаролик саводхонлигига эга талаба ёшлар Янги Ўзбекистонни эртанги куни, таянчи ва кучидир. Биз Янги Ўзбекистонни пойдеворини айнан шу фуқаро саводхонлигига эга бўлган талаба ёшлар билан бирга барпо этамиз.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси.-Тошкент:”Ўзбекистон”-2022 йил 11,15- бетлар
2. Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда.-Тошкент 2021 йил 11,12,13 бетлар
3. Kadirova H., Akhmedova F. Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. – С. 2278-3075.
4. Kadirova H. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688.

5. Bekmurodov M., Akhmedova F., Kadirova K. Study the process of harmonization formation of personal and professional qualities at students //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. – 2020. – Т. 24. – №. S1. – С. 597-605.
6. Кадилова Х. Б. Идентичность: воспитание гармонично-развитого человека в семье //Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук. – 2016. – №. 11-12. – С. 59-60.
7. Buvabayevna N. et al. The role of museums in saving the national identity of Karakal Pakistan //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2019. – Т. 8. – №. 4. – С. 116-120.
8. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
9. Kadirova Y. B. The Advantages of Improving Students' Civic Literacy in Building a Democratic State Governed by the Rule of Law //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 5. – С. 469-473
10. Buvabaevna K. Y. THE IMPORTANCE OF VALUES IN ENHANCING CIVIL LITERACY IN STUDENTS //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 124-125
11. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B4. – С. 420-423
12. Hayitboy D. Kholmiraev, Khalima B. Kadirova. CENTRAL ASIA IS AN INTEGRAL PART OF WORLD CIVILIZATION. EPRA International Journal of. Monthly Peer Reviewed & Indexed International Online Journal. ISSN: 2455-3662. Pp 404-407. Volume: 7 Issue: 5 May 2021. DOI:10.36713/epra2013/https://eprajournals.com/jpanel/upload/853pm_73.EPRA%20JOURNALS%203972.pdf
13. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1
14. Кадырова Х., Каршиев Ш. Взаимосвязь каракалпакского и русского искусства и культуры //ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ РОССИИ И УЗБЕКИСТАНА И ПЕРСПЕКТИВЫ ГУМАНИТАРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В СОВРЕМЕННЫЙ ПЕРИОД. – 2018. – С. 112-114
15. Кадилова Х. Б. Научное наследие мыслителей центральной Азии //Вестник магистратуры. – 2015. – №. 2-2 (41). – С. 16-20.
16. Kadirova H. Role of women in scientific life of Uzbekistan //Europaische Fachhochschule. – 2015. – №. 1. – С. 74-76.
17. КАДИРОВА Х. МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИКГА ИЖТИМОЙЛАШУВ, МАДАНИЙ, ТАРИХИЙ МЕРОС ВА ТИЛНИНГ ТАЪСИР ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ //UNIVERSITETI XAVARLARI, 2022,[1/9] ISSN 2181-7324.
18. Кадилова Х. Б. Миллий идентиклик ва миллий ўзликни англаш муаммоларини социологик тадқиқ этиш методологияси //ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ. – 2022. – №. SI-1.